

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2021 йил «7» ИЮН  
69/к -сон



# “КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки  
Кузатув кенгашининг 2021 йил  
15 июндаги йиғилиши томонидан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

(28-сонли баённома)

Кузатув кенгаши раиси

М.А. Абдусаматов



Тошкент-2021

**“Капиталбанк” АТБ Кузатув кенгашининг қарорига асосан Банк Уставига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:**

**1. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“Банкнинг Устав капитали 193 732 061 700,00 (бир юз тўқсон уч миллиард етти юз ўттиз икки миллион олтмиш бир минг етти юз) сўмни ташкил қилади ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 163 928 486 (бир юз олтмиш уч миллион тўққиз юз йигирма саккиз минг тўрт юз саксон олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 40 000 000 (қирқ миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар”.

**2. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“22. Банк Устав капиталини кўпайтириш мақсадида чиқарилиши эълон қилинган акцияларнинг суммаси 1 162 000 005 000,00 (бир триллион бир юз олтмиш икки миллиард беш минг) сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 1 000 000 001 000,00 (бир триллион бир минг) сўм бўлган, 1 052 631 580 (бир миллиард эллик икки миллион олти юз ўттиз бир минг беш юз саксон) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 162 000 004 000,00 (бир юз олтмиш икки миллиард тўрт минг) сўм бўлган, 170 526 320 (бир юз етмиш миллион беш юз йигирма олти минг уч юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Банк томонидан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Банк кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда жойлаштириш нархи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган нархдан кам (паст) бўлмаслиги керак”.

**Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги тегишли қарорига асосан рўйхатга олувчи ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб кучга киради.**